O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI JARQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Jarqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgon.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

20<u>20</u>-yil “<u>25</u>” <u>noyabr</u> <u>Қ-1926</u> -son Jarqo‘rg‘on t.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги Қ-565-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Бюджет барқарорлигини таъминлаш ва унинг тақчиллиги кескин ошиб кетишининг ҳамда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 21 сентябрдаги 575-сон қарори ва вилоят ҳокимининг 2020 йил 10 октябрдаги Қ-565-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Рахматов,туман Молия бўлими мудири А.Абдусаломов ҳамда бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларидан ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари)да ишлайдиган ходимларга режалаштирилган моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобига тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туришни 2020 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 январга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3.Туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарорига мувофиқ Қорақолпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган даромадлар прогнозининг бажарилмаслиги ҳисобига харажатларнинг мақбуллаштирилган қисми-республика бюджетига;

Ушбу қарорга мувофиқ мақбуллаштириладиган маблағлар-келгусида уларнинг коронавирус инфекциясига қарши курашиш чора-тадбирларига йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

5.Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

6.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Раҳматов ҳамда туман Молия бўлими мудири А.Абдусаломовлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **З.Давлатов**